



ва копулятив бирликларни ўзаро фарқлашда муҳим аҳамият касб этиши аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, копулятив бирликларнинг учала турида ҳам *va/o* “ва” нинг ишлатилиши мазкур бирликлар учун умумий хусусиятдир. КҚС таркибий қисмла-

рида лексик номустиқлик кузатилса, КФБ ва ЭКСБ таркибий қисмлари эса ўз мустиқил маъносига эга бўлади. Ҳозирги кунда копулятив бирликларни ўзаро фарқлаш, уларни фарқловчи аниқ мезонларни яратиш эрон тилшунослигидаги долзарб масалалардан биридир.



АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” ДОСТОНИДАГИ ЎЗЛАШМА ФОРСИЙ ФЕЪЛИЙ ЯРИМАФФИКСЛАР АСОСИДА СЎЗ ЯСАЛИШИ

НИШАНБАЕВА АЗИЗА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида учрайдиган *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr* каби феълий яримаффикслар тавсифланади. Туркий тилда ҳосил қилинган янги сўзлар таҳлилга тортилди.

Таянч сўз ва иборалар: исмий яримаффикс, феълий яримаффикс, сўз ясаиш, феълнинг ҳозирги замон негизи, қўшма феъл, модел асосида сўз ясаиш.

Аннотация. В данной статье описываются глагольные полуаффиксы, такие как, *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr*, которые встречаются в поэме «Хайрат аль-аброр» Алишера Навои. Анализируются новообразования с данными полуаффиксами в тюркском языке.

Опорные слова и выражения: именной полуаффикс, глагольный полуаффикс, словообразование, основа настоящего времени глагола, сложный глагол, модельное словообразование.

Abstract. In this article, there are described verbal semi affixes as *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -pazīr*, which are met in the words of the poem “Khayrat al-abror” by Alisher Navoi. New built words with these semi affixes in the Turkic language is analyzed.

Keywords and expressions: nominal semi affix, verbal semi affix, word-building, verb root of present time, compound verb, model word-building.

Ҳозирги замон форс тилида яримаффиксларнинг икки тури, яъни исмий ва феълий яримаффикслар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбек эроншунос олимлари А. Куронбеков¹, Г.У. Мирайпова², рус эроншунос олимлари Ю.А. Рубинчик³, Л.С.Пейсиков⁴,

С.А. Алиев⁵, О.М. Сотова⁶, эрон олими И.Калбосий⁷ларнинг ишлари шулар жумласидандир. Аммо классик форс тилида яримаф-

¹ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. –Т., 2009.

² Мирайпова Г.У. Развитие лексики современного персидского языка в период после исламской революции (на материалах газетно-журнальной периодики). КД. –Т., 1994.

³ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного литературного персидского языка. –М.2001.

⁴ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. –М., Из-во Московского университета, 1973.

⁵ Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка. АКД. –М., 1985.

⁶ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке. КД. –М., 2008.

⁷ Kalbāsi Irān. Sāxt-e ešṭeyāyi-ye važe dar zabān-e fārsi-ye emruz. –Tehrān, 1992.



фикслар мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар учратмаймиз. О.Касимов¹ нинг тадқиқот ишида яримаффикслар хусусиятига эга бўлган кўпгина воситаларни аффикслар қаторида қўрилганини кузатишимиз мумкин.

Тадқиқотимиз натижасида классик форс тили давридаги асарларда феълий ва исмий яримаффикслар орқали ясалган кўплаб сўзларни учратдик. Шу жумладан, классик форс тилида “Фоний” таҳаллуси билан ижод қилган Алишер Навоий ҳам ўзининг туркий тилдаги асарларида форсий яримаффикслар қатнашган сўзларни юқори маҳорат билан қўллаган. Шундай асарларидан бири “Хамса”нинг “Хайрат ул-аброр” достонидир. Алишер Навоий ушбу достонда *-kaš, -sāz, -namāy, -xāh, -fišān (-afšān), -rēz, -pažir, -sanj, -pāš, -parast, -baxš, -navard, -dār, -band, -pōš, -jōy, -rav, -furūz, -navāz, -xēz, -nišīn* ва шу каби бир қатор феълий яримаффикслар орқали ясалган сўзлардан фойдаланади ёки модел асосида ўзи янги сўзлар ясайди. Бу бир томондан Навоий даврида маданиятимиз муштараклигидан далолат берса, иккинчи томондан яримаффикслар билан сўз ясаш ўта маҳсулдор ва кенг имкониятларга эгаллигини кўрсатади. Ушбу яримаффиксларнинг асл маъносини ҳамда уларнинг сўз ясадаги маъносини очиб бериш орқали туркий тилга ўзлаштирилган форсий сўзларнинг маъносини тушунишга ёрдам беради.

Қуйида достонда учраган яримаффиксларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

كش *-kaš* яримаффикси “**тортувчи**”, “**килувчи**”, “**солувчи**” маъносида (كشيدن *kašidan* 1) “давом эттирмак”, “чўзмак”; 2) “тортмак”; 3) “ром қилмак”; 4) “олиб бормак”; 5) “азобланмак”; 6) “рўйхатга олмак”; 7) “расм солмак”; 8) “ўлчамак”; 9) “ичмак”; 10) “чиқармак”; 11) “бермак (хадя)”; 12) “сурмак”; 13) “солмак (овқат)”; 14) “ёймак”; 15) “чекмак (сигарет)”; 16) “бормак”² феълининг ҳозирги замон негизи).

¹ Касимов О. Суффиксальное словообразование имен существительных в “Шахнаме” Абулкаси́ма Фирдоуси. АКД. – Душанбе, 1988.

² معين محمد. فرهنگ فارسى. تهران، 1371. جلد 3. ص. 2994.

Hātami Tāyīga bir āzādavaš

Dedi ki: Ey himmatiñ āzādakaš. (Hayrat ul-abrār, 31/1)

Бу байтда шоир āzādakaš “нозик табиатли”³ маъносида талқин қилинади. Форс тилида бундай сўз луғатларда учрамади. Демак, шоир бу сўзни модел асосида янги маъно билан ҳосил қилган ва уни “озод қилувчи” маъносида талқин қилиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

Xudnamā muxannaṣvašlarniñ dunyā zīynati iktisābida hiylasāzliqlari va jānfidā muhabbatkašlarniñ dīn quvvati hisābida sarandāzliqlari...

(Hayrat ul-abrār, 52/0)

Muḥabbatkaš сўзининг маъноси луғатларда учрамади. Демак, шоир модел асосида янги сўз ҳосил қилган ва ушбу жумлада “муҳаббат аҳли”, “муҳаббат майидан тотганлар” маъносида қўлланилган.

«He»si halāk etgali qullābvaš,

Mahlika qalbi ara qullābkaš. (Hayrat ul-abrār, 1/23)

Ушбу байтдаги qullābkaš сўзининг маъноси ҳам луғатларда учрамади. Демак, бу сўз ҳам шоир томонидан ҳосил қилинган бўлиб, “қармоқ солувчи” деган маънода ишлатилган.

Булардан ташқари, *dilkaš* (14/34, 14/46, 14/63, 15/58 ва б.) “дилни ўзига тортадиган, ёқимли, севимли, марғуб”⁴, *kamānkaš* (36/64) “камон отувчи”⁵, *nālakaš* (19/33) “фигон қилувчи, нола қилувчи”⁶, *raqamkaš* (17/0) “ёзадиган, битадиган”⁷, *sarkaš* (10/15, 18/27 ва б.) “бош бермас, ўжар; эрка ёр, севикли маъшуқа”⁸, *šu'lakaš* (38/40) “юзланувчи, ҳароратлантирувчи”⁹ каби **كش** *-kaš* га тугайдиган сўзлар учрайди. Уларни яримаффиксларга киритиб бўлмайди, чунки улар қўшма феълларнинг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил

³ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.2. –Т.: “ФАН”, 1983. –Б.508.

⁴ Ўша луғат, Т.1. –Б.487.

⁵ Ўша луғат, Т.2. –Б.96.

⁶ Ўша луғат, Т.2. –Б.474.

⁷ Ўша луғат, Т.2. –Б.614.

⁸ Ўша луғат, Т.3. –Б.50.

⁹ Ўша луғат, Т.3. –Б.553.





бўлганлар¹. Келтирилган сўзлардан *nālakaš*, *ra-qamkaš*, *šulakaš* форс тилида мавжуд бўлмай, шоир ўз ижодида ҳосил қилганлигини кузатишимиз мумкин.

-sāz яримаффикси “килувчи”, “яратувчи”, “тикувчи”, “топувчи” маъносида (*sāxtan* 1) “қурмоқ”; 2) “тўғриламоқ”; 3) “яратмоқ”; 4) “кашф қилмоқ”; 5) “ўрнатмоқ”; 6) “ташқил қилмоқ”; 7) “тартибга келтирмоқ”; 8) “тузатмоқ”; 9) “эркаламоқ”; 10) “қуроллантирмоқ”; 11) “пиширмоқ”; 12) “ёзмоқ (асар)”; 13) “чора кўрмоқ”; 14) “сохталаштирмоқ”² феълининг ҳозирги замон негизи).

Azraq uza kim boluban baxyasāz,

Anjumi naḥs u falaki naqšbāz. (Ҳайрат ул-абрār, 28/5)

Ушбу байтдаги *baxyasāz* сўзи “чокчи, чок тикувчи”³, “жиякчи, жияк тикувчи”⁴ маъносида қўлланилган бўлиб, шоир томонидан ясалган сўздир.

Ul mahi šabgard bolub jilvasāz,

Jilvagahī barča šabistāni rāz. (Ҳайрат ул-абрār, 11/17)

Бу байтдаги *jilvasāz* сўзи “жилва қилувчи; ўзини гўзал суратда кўрсатувчи; ракс қилиш”⁵ ҳам шоир томонидан модел асосида ҳосил қилинган сўздир.

Boldi muṣallāni salib sajdāsāz,

Har qadam aylab iki rakʼat namāz. (Ҳайрат ул-абрār, 25/3)

Sajdasāz сўзи “сажда қилувчи” маъносида қўлланилган бўлиб, луғатларда учрамади.

Булардан ташқари, *čarasāz* (28/54) “чора топувчи”⁶, *nağmasāz* (18/78) “чолғучи, куйловчи, со-

занда”⁷ ва *naqšsāz* (21/3) “наққош, нақш солувчилик, сураткаш, рассом”⁸ *-sāz* га тугайдиган сўзлар учрайди. Улар кўшма феълларнинг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил бўлганлар. Достонда учраган сўзлардан *baxyasāz*, *bazlsāz*, *jilvasāz*, *sajdāsāz*, *vāṣitasāz* форс тилида мавжуд бўлмай, шоир ўз ижодида ҳосил қилганлигини кузатишимиз мумкин.

-namā(y) яримаффикси “кўрсатувчи” маъносида (*namudan* 1) “кўрсатмоқ”; 2) “ошкор қилмоқ”; 3) “қилмоқ”; 4) “ошкор бўлмоқ”⁹ феъллининг ҳозирги замон негизи).

Mulki Sulaymān uza ʾišratnamāy,

Bāšija salmay kolaka jūz humāy. (Ҳайрат ул-абрār, 26/7)

Бу байтдаги *ʾišratnamāy* сўзи “хушвақтлик қилувчи, шодланувчи”¹⁰, яъни “шодлик кўрсатувчи” маъносида қўлланилган бўлиб, шоир томонидан ясалган сўздир.

Bāšija parvāz ila gardišnamāy,

Oyla ki sultān baši uzra humāy. (Ҳайрат ул-абрār, 41/20)

Ушбу байтдаги *gardišnamāy* “айланма, айланишни кўрсатувчи”¹¹ маъносида қўлланилган бўлиб, шоир томонидан ясалган сўздир.

Taṇ emas ar ul kafi muʾjiznamāy,

Qilgač iṣārat iki ayrilsa ay. (Ҳайрат ул-абрār, 10/13)

Muʾjiznamāy сўзи ушбу байтда “мўъжиза кўрсатувчи”¹² маъносида қўлланилиб, шоир томонидан ясалган сўздир.

Достонда *rahnāmā(y)* (21/35, 13/37, 61/17, 61/17) “йўл бошловчи, раҳбар, йўлбошчи”¹³ сўзи ҳам учраб, у форс тилида кўшма феълнинг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил бўлгандир.

Ушбу сўзлардан ташқари *-namāy* яримаффикси билан ясалган *getīnamā* (19/43) “жаҳонни

¹ Бу ҳақда қаранг: Нишанбаева А. Форс тилидаги феълий яримаффикслар ва сўз ясовчи морфема орасидаги фарқни аниқлаш муаммолари// “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” илмий тўплами, №4. –Т.: 2013. –Б. 72-75.

² معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 2. ص. 1786.

³ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.42.

⁴ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.1. –Т.: “ФАН”, 1983. –Б.232.

⁵ Ўша луғат, Т.1. –Б.577.

⁶ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.319.

⁷ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.2. –Т.: “ФАН”, 1983. –Б.450.

⁸ Ўша луғат, Т.2. –Б.448.

⁹ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 4. ص. 4820.

¹⁰ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.4. –Т.: “ФАН”, 1985. –Б.229.

¹¹ Ўша луғат, Т.1. –Б.396.

¹² Ўша луғат, Т.2. –Б.400.

¹³ Ўша луғат, Т.2. –Б.618.



кўрсатувчи”¹, takallumnamāy (15/27) “сўзловчи, сўзловчидек”², sur’atnamā (11/16) “тез юрадиган, жадаллик қилувчи”³ каби сўзлар учраб, улар форс тилида учрамади. Бу эса шоир модел асосида сўз ясаганлигидан далолат беради.

خواه -xāh яримаффикси “сўровчи”, “хоҳловчи”, “талаб қилувчи” маъносида (خواستن xāstan 1) “сўрамоқ”; 2) “талаб қилмоқ”; 3) “ният қилмоқ”; 4) “хоҳламоқ”; 5) “муҳтож бўлмоқ”; 6) “буюрмоқ”; 7) “ундамоқ”⁴ феълнинг ҳозирги замон негизи).

Ayladi čun vaḥni xāki siyāh,
Va’da yetib qildi guluv qarzxāh. (Hayrat ul-abrār, 34/60)

Бу байтдаги qarzxāh сўзи “қарз берувчи ва қарзни талаб қилувчи”⁵ маъносида қўлланилган бўлиб, шоир томонидан ясалгандир.

Gāfil ul iṣḍin šahi davlatpanāh,
Davlati arkāni bolub rišvaxāh. (Hayrat ul-abrār, 44/51)

Rišvaxāh сўзи “пора талаб қилувчи, порахўр” маъносида қўлланилиб, шоир модел асосида сўз ясаган. Ушбу сўз луғатларда учрамади.

Šah ču ṭama’ qildi erur luqmaxāh,
Qāne’i darvēš erur pādšāh. (Hayrat ul-abrār, 34/6)

Luqmaxāh сўзи “луқма истовчи, очкўз” маъносида қўлланилиб, у шоир томонидан ясалгандир. Бу сўз ҳам луғатларда учрамади.

Достонда учраган ‘uzrxāh (27/31) “узр сўровчи, авф тиловчи”⁶, dīlxāh (38/109, 52/118, 59/15, 62/55) “кўнгил истаги, истақ, интилиш; кўнгилга яқин, кўнгил тортган”⁷ сўзлари форс тилидаги қўшма феълнинг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил бўлгандир. -xāh яримаффикси билан ясалган сўзлардан ‘uzrxāh, luqmaxāh, qarzxāh, rišvaxāh форс тилида

учрамади. Бу эса шоир модел асосида сўз ясаганлигидан далолат беради.

پذیر -pazīr яримаффикси “қабул қилувчи”, “талаб қилувчи” маъносида (پذیرفتن pazi-roftan 1) “кутиб олмоқ”; 2) “мажбуриятига олмоқ”; 3) “қабул қилмоқ”; 4) “ҳадя қабул қилмоқ”; 5) “маъқул топмоқ”; 6) “таъсирчан бўлмоқ”; 7) “эътироф қилмоқ”; 8) “миннатдорчилик билдирмоқ”; 9) “ижобат бўлмоқ”; 10) “ижозат берилмоқ”; 11) “бўйсунмоқ”⁸ феълнинг ҳозирги замон негизи).

Šun’ iligi balčigin aylab xamir,
Luṭf ila aylab ani hay’atpazīr. (Hayrat ul-abrār, 20/11)

Бу байтдаги hay’atpazīr сўзи “шаклландувчи, ҳар хил шаклга кирувчи”⁹ маъносида қўлланилиб, шоир томонидан ясалгандир.

...va ul šafī’-šafā’at qilganlarğa xāliqi ‘ālam va ādam
šafā’atpazīr (Hayrat ul-abrār, 5/0)

Ушбу жумлада šafā’atpazīr сўзи “ҳимоя-талаб”¹⁰ маъносида талқин қилинган.

Булардан ташқари, достонда учраган iqāmatpazīr (44/16) “жойни қабул қилувчи” ва taḡazziypazīr (11/50) “қисмларга бўлинувчи” сўзлари луғатларда келтирилмаган ва уларни ҳам шоир модел асосида ясагандир. Достондаги farmānpazīr (20/41, 40/45, 49/11) “буйруқни бажарувчи, бўйсунувчи”¹¹ сўзи эса форс тилидаги қўшма феълнинг ҳозирги замон негизи отлашиб келишидан ҳосил бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида қуйидаги феълӣ яримаффикслар сўзларда -sāz – 19, -pazīr – 13, -kaš – 12, -namāy – 7, -xāh – 6 марта учради. Ушбу сўзларнинг кўпи форс тилида мавжуд эмаслиги аниқланди. Достонда форс тилида учрамайдиган янги сўзлар ясалиши Навоийнинг форс тилини ва сўз яшаш усуллари мукаммал билишидан далолат беради.

¹ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.1. –Т.: “ФАН”, 1984. –Б.401.

² Ўша луғат, Т.3. –Б.166.

³ Ўша луғат, Т.3. –Б.131.

⁴ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 1. ص. 1449.

⁵ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.4. –Т.: “ФАН”, 1984. –Б.31.

⁶ Ўша луғат, Т.3. –Б.279.

⁷ Ўша луғат, Т.1. –Б.491.

⁸ معین محمد. فرهنگ فارسی. تهران، 1371. جلد 1. ص. 712.

⁹ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.4. –Т.: “ФАН”, 1985. –Б.141.

¹⁰ Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: “ФАН”, 1993. –Б.326.

¹¹ Фозилов Э.И. таҳрири остидаги Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Т.3. –Т.: “ФАН”, 1984. –Б.325.



ФОРС ТИЛИДА ФЕЪЛЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВАРИАНТЛАШУВИ

АРИФДЖАНОВ ЗОКИР

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация: Мақолада форс тилидаги феъл сўз туркуми ва унинг лексик-семантик вариантлашуви тадқиқ қилинади. Вариантлашувнинг муҳим турларидан ҳисобланган лексик-семантик вариантлашув омиллари ва унинг аҳамияти ўрганилган. Феъл маъносининг ўзгаришида гап бўлакларининг таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: вариантлашув, лексик-семантик вариант, содда феъл, префиксли феъл, қўшма феъл, кўпмаънолилиқ.

Аннотация: Статья посвящена рассмотрению глагола как части речи в персидском языке, а также его лексико-семантическим вариациям. Изучены факторы лексико-семантической вариации и изложены взгляды на влияние частей предложения на смысл глагола.

Ключевые слова: вариация, лексико-семантический вариант, простой глагол, префиксальный глагол, сложный глагол, многозначность.

Summary: In the article the verb is studied as a part of speech in Persian and its lexical-semantic variation. Factors of lexico-semantic variation as one of the most important types of variation and its role have been studied. The arguments about the influence of the parts of the sentence in changing the meaning of the verb are expounded.

Keywords: variation, lexical-semantic variant, simple verb, prefix verb, compound verb, polysemy.

Барча тилларда бўлгани каби форс тилида ҳам феъл тилда гап ясалишида фаол иштирок этадиган энг муҳим лексик унсурлардан бири ҳисобланади. Эронлик тилшунос олим Парвиз Нотил Хонларийнинг фикрича “феъл кесимни ифодалайдиган энг муҳим унсур ҳисобланиб, агар гап фақатгина бир сўздан ташкил топган бўлса, ушбу сўз, албатта, феъл сўз туркумига мансуб бўлади. Гап тузилиши феълсиз амалга ошмайди”¹. Шунингдек, Ҳ. Анварий, Ҳ. Аҳмадий Гиви², Ш. Моҳутиён³, У. Табибзада⁴ каби бошқа кўпчилиқ эронлик тилшунослар ҳам феълни гапнинг энг асосий унсури сифатида эслатиб ўтишган.

Форс тилининг бутун лексикасида бўлгани каби, феъл туркумига оид сўзларда ҳам вариантлашувнинг ҳар хил турларини кузатиш мумкин. Айтиш мумкинки, форс тилидаги феъллар тилнинг турли сатҳларида энг кўп вариантларга эга бўлган сўз туркумларидан ҳисобланади. Феъллар вариантлашуви форс тилининг ифода имкониятларини кенгайтирувчи ҳамда ранг-баранглигини таъминловчи омилардан бири ҳисобланади. Жумладан, тадқиқотимиз объекти бўлган лексик-семантик вариантлар феъл тизимидаги вариантлашувнинг маъновий вариантлашув жиҳатларини акс эттирадиган восита сифатида муҳим ўрин тутди.

Тилшуносликда кўпмаъноли сўзнинг турли ўринларда ишлатилаётган маънолари ўша сўзнинг лексик-семантик вариантлари сифатида қаралади. Айтиш мумкинки, кўпмаънолилиқ (полисемия), асосан, кенг қўлланиладиган сўзларга хос бўлиб, лексик-семантик вариантлар кўпчилиқ ҳолатларда сўзнинг бошқа сўзлар тизимидаги позицияси, яъни унинг бошқа сўзлар билан қўшила олиш хусусияти билан боғлиқдир.

¹ ناتل خانلری، پرویز، دستور زبان فارسی، تهران: انتشارات توس، تهران، 1359. ص. 13-14.

² انوری، حسن؛ احمدی گیوی، حسن، دستور زبان فارسی 2، قم: انتشارات فاطمی، 1373.

³ ماهوتیان شهرزاد، دستور زبان فارسی، تهران: نشر مرکز، 1387.

⁴ طیب زاده، امید. ستور زبان فارسی: براساس نظریه گروه‌های خودگردان در دستور وابستگی، تهران: نشر مرکز، 1391.

Форс тилида феълларнинг лексик-семантик вариантлари феъл туркумига тегишли бўлган бир сўз воситасида турли контекстларда турли маъноларни англатишга хизмат қилади. Зеро лексик-семантик вариантлар камроқ луғат таркиби билан кўпроқ маънони ифодалаш воситасидир. Форс тили лексикаси, жумладан, ушбу тилдаги феъл туркумига оид сўзларда кўпмаънолилиқ кенг тарқалган ҳолат ҳисобланади. Маълумот ўрнида 2 жилдлик форсча-русча луғатда¹ келтирилган баъзи содда феълларнинг маънолари – лексик-семантик вариантларини санаб ўтамыз:

کشیدن *kešidan* 18 та, خوردن *xordan* 12 та, رسیدن *residan* 9 та маъноларни ифодалайди. Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган лексик-семантик вариантлар ушбу феъллар англатадиган ҳамма маънони тўлиқ қамраб ололмайди, чунки мазкур луғат тузилганига 30 йилдан ошган бўлиб, бу даврда нафақат форс тили терминологик қатлами балки феълларнинг лексик-семантик қатлами ҳам сезиларли даражада бойиганини кузатиш мумкин.

Масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида خواستن [xāstan] феъли лексик-семантик вариантлари тадқиқига жиддийроқ киришсак. Форс тилида خواستن [xāstan] феъли кўп маъноли сўзлардан ҳисобланади. Жумладан, Али Акбар Деххудонинг “Lo‘g‘atnome-e Dehxodo” қомусий луғатида² خواستن [xāstan] сўзининг иккита маъноси: 1) сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 2) талаб қилмоқ; Муҳаммад Муиннинг “Фарҳанг-е Мўин” изоҳли луғатида³ ушбу сўзнинг еттита маъноси: 1) сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 2) талаб қилмоқ; 3) истамоқ, хоҳламоқ; 4) орзу қилмоқ, тиламоқ; 5) эҳтиёжчи бўлмоқ; 6) буюрмоқ; 7) чақирмоқ, чорламоқ; Ҳасан Амиднинг “Фарҳанг-е Амид” изоҳли луғатида [8] унинг тўққизта (жумладан, иккита архаик) маъноси:

1) сўрамоқ, талаб қилмоқ; 2) майли бўлмоқ, мойил бўлмоқ; 3) ниятида бўлмоқ; 4) яхши кўрмоқ, севмоқ; 5) чақирмоқ, чорламоқ; 6) эҳтиёжчи бўлмоқ, керак бўлмоқ; 7) кўз тутмоқ, қутмоқ, умид қилмоқ; 8) орзу қилмоқ; 9) истамоқ, хоҳламоқ; Ҳасан Анварийнинг “Фарҳанг-е бўзўрг-е Сўхан” изоҳли луғатида⁴ خواستن [xāstan] нинг ўн саккизта (жумладан, олтита архаик ва бешта сўзлашув нутқида учрайдиган) маъноси: 1) сўрамоқ, талаб қилмоқ; 2) чақирмоқ, чорламоқ; 3) қарзини сўрамоқ; 4) эҳтиёжчи бўлмоқ, керак бўлмоқ; 5) ниятида бўлмоқ; 6) майли бўлмоқ, мойил бўлмоқ; 7) яхши кўрмоқ, кўргиси келмоқ; 8) кўз тутмоқ, қутмоқ, умид қилмоқ ва ҳ.к. келтирилган. Ю.А.Рубинчик таҳрири остидаги “Форсча-русча” икки тиллик луғатида⁵ خواستن [xāstan] сўзининг олтита маъноси тўрт маъно қаторида келтирилган: 1) истамоқ, хоҳламоқ; ниятида бўлмоқ, ...моқчи бўлмоқ; 2) сўрамоқ, илтимос қилмоқ; чорламоқ, таклиф қилмоқ; 3) чақирмоқ, чақиртирмоқ; 4) эҳтиёжчи бўлмоқ, унга керак бўлмоқ.

Форс тилида кўпмаъноли феълларнинг улуши каммаъноли феъллар улушидан кўпроқ эканлигини кузатилади ва бунинг асосий омиллари сифатида, биринчидан, юқорида эслатиб ўтилганидек, форс тили феъл лексикаси, хусусан содда феъллар сонининг чекланганлигини, иккинчидан эса форс тилидаги кўпчилиқ феълларнинг катта валентлик (бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришиб, улар билан бирикиш) қобилятига эга эканлигини эслатиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, феъл иштирок этаётган гапдаги бошқа гап бўлаклари ҳам феъл билан синтактик муносабатга киришиб, турли ўринларда унинг маъносини ўзгартириши, яъни феълнинг асосий маъносидан ташқари яна бир неча маъноларини – лексик-семантик вариантларини вужудга келтириши мумкин.

¹ Персидско-русский словарь: в 2-х томах, под редакцией Ю.А.Рубинчика, 3-издание. I-том. –М.: Русский язык, 1985.

² دهخدا، علی اکبر. لغتنامه دهخدا. در 222 جزوه. تهران، 1359-1324.

³ معين، محمد. فرهنگ معين. در 6 جلد. جلد 1، تهران، 1342.

⁴ انوری، حسن، فرهنگ بزرگ سخن/ به سرپرستی حسن انوری، تهران، سخن، 1381 – ج. 4. ص. 2853-2854.

⁵ Персидско-русский словарь: в 2-х томах, под редакцией Ю.А. Рубинчика, 3-издание. I-том. –М.: Русский язык, 1985, -С. 573-574.

1) *текиширмоқ*, [barresi kardan] *بررسی کردن*; 2) *ўрганмоқ*, *ўрганиб чиқмоқ*, *кўриб чиқмоқ*; 3) *ўйлаб кўрмоқ*; 4) *муҳокама қилмоқ*; 5) *ўртага ташламоқ*, *кўтариб чиқмоқ*; 6) *тадқиқ қилмоқ* ва ҳ.к.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, форс тилидаги кўпчилик феълларнинг катта валентлик (бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришиб, улар билан бирикиш) қобилятига эга эканлиги ҳам улар воситасида турли ўринларда турли маъноларнинг ифодаланиши учун имконият яратади. Биз юқорида эслатиб ўтган эронлик тадқиқотчи Л. Шарифий ўзининг [oftādan] содда феълнинг турли контекстларда қўлланиладиган маънолари – лексик-семантик вариантларига бағишланган мақоласида ушбу феълнинг қанчалик катта валентлик қобилятига эга эканлигини кўрсатиб берар экан, ушбу феълнинг гапдаги турли гап бўлаклари ва турли сўз туркумларига оид сўзлар билан синтактик муносабатга киришиб саксонтача маънони ифодалашда иштирок этишини аниқлаганини эслатади¹. Ушбу тадқиқотчи томонидан келтирилган қуйидаги гап ва жумлаларда [oftādan] содда феълнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатга киришиб турли маъноларни ифодалашда иштирок этганини кузатамиз:

سیب از درخت به زمین افتاد (به معنی «سقوط کردن»);

Олма дарахтдан ерга тушди (“паства тушиб кетмоқ” маъносида).

در پی ما افتادند (به معنی «آمدن»);

Бизнинг изимиздан тушшди (“келмоқ” маъносида).

نمی دانم در آن حال به چه خیال افتاده بودم (به معنی «داشتن»);

Ўша ҳолда не хаёлга борганимни билмайман (“ега бўлмоқ” маъносида).

فشار خونم افتاد پایین (به معنی «کم شدن»);

Қон босимим тушди (“камаймоқ”, “пасаймоқ” маъносида).

این جعبه خیلی سنگین است، دستم افتاد (به معنی «بی رمق شدن»);

Бу қути жуда ҳам оғир, қўлим толиқиб қолди (“толиқмоқ” маъносида).

Форс тилидаги феълларнинг турли лексик-семантик вариантларининг вужудга келишида гапдаги турли гап бўлаклари ҳамда лексик унсурларнинг феълга кўрсатган таъсири ҳам катта рол ўйнайди. Эронлик тадқиқотчи Ҳамид Рабийй ўз мақоласида эга ва тўлдирувчи каби гап бўлаклари, предлог ҳамда эргаш гапнинг содда феъллар маъносининг ўзгаришидаги таъсирини тадқиқ қилган². Ушбу тадқиқотчи келтирган мисоллардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз: Эганинг таъсирида феъл маъносининг ўзгариши: *علی رفت* – Али кетди; *برق رفت* – электр узилди; *عمر رفت* – умр ўтди; *کүйیш بوتدی* – қуйиш ботди; *علی آمد* – Али келди; *بهار آمد* – баҳор келди; *باران آمد* – ёмғир ёғди.

Тўлдирувчининг таъсирида феъл маъносининг ўзгариши: *میوه را کشید* – мевани (тарозида) тортиди; *تصویر را کشید* – тасвир солди; *دندان را کشید* – сиғаретани чекди; *سیگار را کشید* – тишини суғуриб олди; *غذا را کشید* – овқатни сузди (дастурхонга қўйди) ва ҳ.к.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, форс тилидаги феълларнинг таржима ва изоҳли луғатларда берилган маънолари ҳар доим ҳам ушбу феъллар воситасида нутқнинг турли контекстларида ифодаланадиган маъноларнинг ҳаммасини тўлалигича қамраб ололмайди. Бундан ташқари, кўпчилик ҳолларда таржима луғатларда ҳам изоҳли луғатларда ҳам сўзларнинг, жумладан, феълларнинг маънолари тилда қўлланилиш даражаси кетма-кетлигига қараб берилиши сабабли ҳар бир кўпмаъноли сўз, хусусан, феъл англатадиган маъноларни маъно гуруҳларига тақсимлаб акс эттиришга унчалик эътибор берилмайди. Бизнингча, ўқув ва таржима мақсадларидаги луғатлар ҳамда умумий изоҳли луғатлардан ташқари тилдаги ҳар бир сўзнинг бутун семантик майдонини қамраб оладиган, яъни сўзнинг турли контекстларда турли лексик ва семантик унсурлар билан му-

¹ لیلا شریفی. رویکردی شناختی به یک فعل چندمعنای فارسی // تازه های علوم شناختی، سال 11، شماره 4، 1388. ص. 12.

² حمید ربیعی. عناصر مؤثر در تغییر معنای فعل // رشد آموزش زبان و ادبیات فارسی. دوره بیست و سوم، شماره 2، زمستان 1388. ص. 48-50.



носабатга киришиш орқали англатадиган турли маъноларини акс эттирадиган луғатларни тузиш сўзларнинг лексик-семантик вариантлари, шу билан бирга, улар билан боғлиқ бўлган функционал эквивалентларни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Феъллар, хусусан, префиксли ва кўшма феълларнинг ясалишида катта рол ўйновчи содда феъллар сонининг камлиги, кўпчилик феълларнинг катта валентлик қобилиятига эга

эканлиги, бошқа гап бўлаклари таъсири остида турли контекстларда феъл маъносининг ўзгариши форс тилидаги феъл туркумига оид сўзларнинг кўпмаъноли бўлишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Буни биз افتادن [oftādan], رفتن [raftan], آمدن [āmadan], كشيدن [kešidan] каби феълларнинг турли лексик-семантик вариантлари мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.



ПАШТУ ТИЛИДАГИ ЎЗЛАШМАЛАР, УЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

МАМАТКУЛОВ ОЙБЕК

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақолада пашту тилидаги ўзлашмалар, уларнинг кириб келиш сабаблари ва омиллари ўрганилган. Пашту тилида мавжуд бўлган сермахсул ёки каттахсул араб, форс, турк, инглиз, рус, франсуз тилидан кириб келган ўзлашмалар таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: арабча ўзлашмалар, инглизча ўзлашмалар, форсча ўзлашмалар, франсузча ўзлашмалар, италянча ўзлашмалар.

Аннотация. В статье автор рассматривает причины возникновения факторов заимствованных слов в языке пашто. Анализируются заимствования с арабского, персидского, турецкого, русского и французского языков.

Опорные слова и выражения: арабские заимствования, английские заимствования, персидские заимствования, французские заимствования, итальянские заимствования.

Summary. In various times, languages in Afghanistan had social, political and economic influences from foreign countries and this caused quite a lot linguistic changes. In Pashto lexis was enriched with European loanwords. To research quantity and quality changes in dictionary wealth of Pashto language, to classify English loanwords in Pashto, to scrutiny adaptation of English loanwords are actuality of the research.

Keywords and expressions: Arabic loanwords, English loanwords, Turkish loanwords, French loanwords, Persian loanwords, Italian loanwords.

Тил ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Даврлар ўтиши билан мамлакатнинг ички ва ташқи ҳолатларига боғлиқ равишда тилда ўзгаришлар юз беради, яъни янги сўз ўзлашиши ёки қайсидир сўз эскириб муомаладан чиқиб кетиши мумкин.

Пашту тилидаги европа тилларидан ўзлашмалар орасида каттагина миқдорда байналмилал сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг ҳар бири битта тилдан ўзлашиб, кўп тилларга тарқалади. Шу тариқа сиёсат, санъат, илм-фанга оид халқаро терминология яратилади.